

Тошкент шаҳрида янги юк автомобиллар кўпаймоқда

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида автотранспорт воситаларида мижозларга юк ташиш хизматларини кўрсатиш фаолиятини амалга оширган ҳолда шаҳар иқтисодиётини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келаётган корхоналар тизимли равишда иш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида ўз автопаркларини янги автомобиллар билан бойитиб бормоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган "Yangi Zamon Vino" масъулияти чекланган жамияти нотурар жойлар куриш хизматини кўрсатиб келаётган корхоналардан биридир.

Жамият Хитойнинг Шаньдун провинциясида жойлашган "СННТС" компанмиясида ишлаб чиқарилаётган 11 та янги HOWO ZZ5257GJBN русумли юк автомобилларини харид қилди. HOWO русумли юк автомобили 25 тонна юк кўтариш қобилиятига эга.

Бектемир туманида жойлашган "Avto Aktiv" хусусий корхонаси янги 2 та LABO LB1 русумли юк автомобили харид қилди.

"LABO" автомобили Хоразм вилоятида жойлашган "Хоразм авто" заводида ишлаб чиқарилади. Юк кўтариш кўрсаткичи 0.6 тоннани ташкил этади. Энг юқори тезлиги 114 км/с бўлиб, 0.8 л хажмли мотор билан жиҳозланган.

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур туманидаги "Euro Express Post" масъулияти чекланган жамияти янги ISUZU NQR 71 PL русумли юк автомобили харид қилди.

ISUZU NQR 71 PL автомобили "SamAuto" заводида ишлаб чиқарилган бўлиб, N2 тоифадаги "ISUZU NQR 71 PL" ёпиқ металл автофургони тўлиқ массаси 8 тонна, юк кўтариш ҳажми эса 3.9 тоннага эга. Фургон 4 тактли турбо дизел двигател билан жиҳозланган.

Олмазор туманидаги икки корхона "Ros Standart Invest" МЧЖ ҳамда "Trans Logistic Systems" МЧЖ 2 тадан янги юк автомобилларини харид қилди.

Жумладан, "Ros Standart Invest" МЧЖ томонидан харид қилинган "DAMAS VAN" автомобили, "Trans Logistic Systems" масъулияти чекланган жамияти 2 та ISUZU FVR 33 PLX русумли юк автомобили харид қилди. Бу харид корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш қолаверса, янги иш ўринлари яратилишига замин яратди.

ISUZU FVR33PLX русумли ёпиқ металл автофургони тўлиқ массаси 15 тонна бўлиб, 7.5 тонна юк кўтариш қобилиятига эга. Дизел ёқилғисида

харакатланувчи автофургон 4 тактли ва 6 та цилиндрли двигатель билан жихозланган.

Хозирги кунда барча корхоналар аҳолига унумли автотранспорт хизмати кўрсатиш мақсадида ташувларни амалга ошириш учун лицензия варақалари билан таъминландилар.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати